

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



# IMOM BUXORIY SABOQLARI



1/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-4791

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

**IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

# **IMOM BUXORIY SABOQLARI**



## TAHRIR HAY'ATI

**Akmal SAIDOV** – yuridik fanlari doktori, professor, akademik

**Nuriddin XOLIQNAZAROV** – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy

**Shoazim MINAVAROV** – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori

**Ahadjon HASANOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Bahrom ABDUHALIMOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Baxtiyor TURAYEV** – falsafa fanlari doktori, professor

**Baxtiyor KARIMOV** – falsafa fanlari doktori, professor

**Ilhom SAIDOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Zohidjon ISLOMOV** – filologiya fanlari doktori, professor

**Zohidullo MINAVVAROV** – siyosiy fanlar doktori, professor

**Davronbek MAXSUDOV** – tarix fanlari doktori

**Shuhrat YOVQOCHEV** – siyosiy fanlar doktori, professor

**O'ktambek SULTONOV** – tarix fanlari doktori, O'zR FA Sharqshunoslik instituti yetakchi ilmiy xodimi

**Baxtiyor ERGASHEV** – tarix fanlari doktori

**Amriddin BERDIMURODOV** – tarix fanlari nomzodi

**Sarvar ABDULLAYEV** – falsafa fanlari nomzodi, dotsent

**Otabek MUHAMMADIYEV** – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

**Ashirbek MO'MINOV** – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)

**Devin DeWeese** – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)

**So'nmez KUTLU** – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)

**Ingeborg BALDAUF** – Gumbold nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)



### Muassis:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Bosh muharrir: **Shovosil ZIYODOV,**  
*tarix fanlari doktori*

Muharrir o'rinnbosarlari:  
**Otabek MUHAMMADIYEV,**  
**Anvar BOBOYEV**

Musahhihlari:  
**Sanjar DJUMANOV,**  
**Asliddin MUSTAFOYEV**

Sahifalovchi-dizayner:  
**Muhammadiqbol SHUKUROV**

"Imom Buxoriy saboqlari" ilmiy jurnali  
O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya  
komissiyasining 2013-yil 30-dekabrdagi qarori  
bilan dissertatsiya asosiy ilmiy natijalarini  
chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar  
ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston  
Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi  
huzuridagi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar agentligi tomonidan  
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

**Tahririyat manzili:**  
141306, Samarqand viloyati,  
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.  
E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz  
Web-sahifa: www.bukhari.uz  
Telefonlar: (0366) 240-2019, (0366) 240-2011,  
(+99899) 735-02-85

IBXITM Ilmiy kengashining  
2023-yil 1-fevraldaggi 1-sonli yig'ilishi qarori  
bilan nashrga tavsiya qilindi.

|   |    |
|---|----|
| <b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Илму маърифатда етукликка эришган алоҳида бир цивилизация.....                                   | 5  |
| <b>Зоҳиджон ИСЛОМОВ.</b> Қадимият обидаларининг моҳир кашшофи (тарих фанлари доктори, профессор М.Исҳоқов 80 ёшда)..... | 11 |
| <b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> Мовароуннаҳр худудида ҳадис илми ривожи (Бухоро ва Самарқанд).....                           | 14 |

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

|   |    |
|---|----|
| <b>Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ.</b> Мулла Муҳаммад Асака домла.....                        | 21 |
| <b>Шамшадин КЕРИМ, Али АЛЬМУХАМЕТОВ.</b> Наследие Абу Насра Мубашира ат-Тарази..... | 24 |
| <b>Давронбек ҚОДИРОВ.</b> Абулқосим Кушайрийнинг илмий-фалсафий мероси.....         | 27 |
| <b>Зарифжон АРСЛОНОВ.</b> Научное наследие Алихантуры Сагуни.....                   | 31 |
| <b>Насиба ИБОДОВА.</b> Абу Райҳон Беруний ижоди таҳдили.....                        | 34 |

### НОДИР МАНБАЛАР

|   |    |
|---|----|
| <b>Мұхаббатхон АГЗАМОВА.</b> “Тарих ар Русул вал мулук” таржималарининг аҳамияти.....                       | 38 |
| <b>Нигора ХАКИМОВА.</b> Абу Бакр Қаффол Шоший ҳаёти ва илмий фаолиятининг тарихий манбаларда акс этиши..... | 42 |

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

|   |    |
|---|----|
| <b>Шокир ҒАФФОРОВ.</b> Темурйилар даври таълим тизимида мадрасалар фаолияти.....  | 47 |
| <b>Ойбек КЛИЧЕВ.</b> Туркистон генерал-губернаторилиги ва Бухоро амирлиги ўргасидаги элчилик алоқаларининг “Таржимон” газетасида ёритилиши..... | 52 |
| <b>Bobur MELIQULOV, Muhammadali TOXIROV.</b> Mustaqillikka erishish arafasida O‘zbekistonda millatlararo munosabatlardagi muammolar.....        | 55 |
| <b>Aziza ABDUXALILOVA.</b> XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlari Xiva xonligi soliq tizimida zakot.....                                     | 59 |
| <b>Бобир ТУГАЛОВ.</b> Қадимги Уструшона худудида катакомба қабрларининг ўрганилиши.....   | 62 |

|  |    |
|--|----|
| <b>Дилмурод ҚУЛМАТОВ.</b> Мустақиллик йилларида Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркибини ўрганилиши тарихи..... | 65 |
|--|----|

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

|  |    |
|--|----|
| <b>Миродил ҲАЙДАРОВ.</b> Тўрт фикҳий мазҳабга эргашиш тарихи ва зарурати.....                        | 69 |
| <b>Дилфузा САГДУЛЛАЕВА.</b> «Қисаси Рабғузий» асаридаги арабча дуоларни матнга киритиш усуллари..... | 74 |

|   |    |
|---|----|
| <b>Нилуфар ТЎЙЧИЕВА.</b> Тасаввуфда латоиф тушунчасининг моҳияти..... | 80 |
|---|----|

|   |    |
|---|----|
| <b>Махфузон ҶАЛОЛДИНОВА.</b> Ижтимоий ҳимоя маъносида келган атамалар ва уларнинг ислом хукуки жиҳатидан талқини..... | 84 |
|---|----|

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

|  |    |
|--|----|
| <b>Шерохон ХАШИМОВ.</b> Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришда миллий туризмнинг ўрни..... | 87 |
|--|----|

|  |    |
|--|----|
| <b>Maftuna ABASOVA, Husnarobonu MALLAYEVA.</b> Oila farovonligini ta’minlashda ijtimoiy soha vakilalarining o’tmi..... | 90 |
|--|----|

|  |    |
|--|----|
| <b>А.Э.ЕСИМОВА.</b> Религиозные верования кочевой цивилизации..... | 92 |
|--|----|

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

|  |    |
|--|----|
| <b>Шавкат ТЎРАЕВ.</b> Виртуал оламдаги манқуртлик..... | 97 |
|--|----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>Соатмурод ПРИМОВ.</b> Мантиқ илмини ўрганиш масаласи..... | 101 |
|--|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>Матлуба ЭГАМБЕРГАНОВА.</b> Этник идентиклик тушунчаси билан боғлиқ илмий-услубий ёндашувлар..... | 104 |
|---|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>Javlon QUCHQOROV.</b> Ijtimoiy taraqqiyot va falsafiy tasavvurlar dialektikasi..... | 107 |
|--|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>Matluba SADULLAYEVA.</b> Philosophy of numbers in sufi and eastern classical literature..... | 109 |
|---|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>Акташ АВЛАКУЛОВ.</b> “Техноген цивилизация” ҳақидаги қарашлар эволюцияси..... | 113 |
|--|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>Сарвар НИШОННОВ.</b> Ўрта аср шарқ мутафаккирлари ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимињ низарий-методологик асослари..... | 117 |
|--|-----|

# MUNDARIJA - 2023-1

**Самариддин ХАМРАЕВ.** Тадбиркорлик этикаси ривожланишининг назарий асослари.....120

**Мадина ЧОРИЕВА.** Применение и концепция мудрости и философии в “Шахнаме”.....123

## ЁПЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

**Мўътабархон МАДАЕВА.** Мақолларда миллий менталитет ифодаси.....126

**Элдоржон ЭЛМУРОДОВ.** Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро стандартларни қўллаш масалалари.....130

## МАЊНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

**Habibullo SADIBAQOSEV.** Janubiy Osiyo mintaqasi olimlarining tadqiqotlarida zamonaviy xalqaro munosabatlar tahlili.....134

**Азиза НОСИРОВА.** Диний бағрикенглигниң диний-маърифий асослари.....139

**Баҳодир ХОЛМАТОВ.** Мустақиллик шароитида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда “Халқ дипломатияси”ни амалга ошириш муаммолари ва имкониятлари.....142

**Ўткир ХАСАНБАЕВ.** Мусулмон мамлакатларда радикализм ва экстремизмга қарши курашнинг айrim жиҳатлари.....146



## 2023-YIL UCHUN JURNALIMIZGA OBUNA BO'LING!

OBUNA - 2023

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi  
huzuridagi Imom Buxoriy xalqaro  
ilmiy-tadqiqot markazi rekvizitlari:

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi  
H/r: 23402000300100001010

INN (STIR): 201122919 MFO: 00014

Markaziy bankning Toshkent shahar XXKM

SHHV: 400110860182247950100253001

INN (STIR): 207265166

Murojaat uchun telefon: (0366) 240 2019



Obuna indeksi -  
№ 946 , 947  
Bir yillik obuna narxi -  
**280 000 so'm**



Ойбек ҚЛИЧЕВ,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИЛИГИ ВА БУХОРО АМИРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ “ТАРЖИМОН” ГАЗЕТАСИДА ЁРИТИЛИШИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Таржимон” газетасида эълон қилинган Туркестон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги элчилик алмашинувга доир маълумотлар ўрганилган. **Таянч сўзлар:** газета, қабул, элчилик, амир, генерал-губернатор, мактуб, дипломатик этикет, тушлиқ.

**Annotation:** This article examines information on the exchange of embassies between the Turkestan General Governorate and the Emirate of Bukhara published in the “Tarjiman” newspaper. **Keywords:** newspaper, reception, embassy, emir, governor-general, letter, diplomatic etiquette, dinner.

**Аннотация:** В статье рассматриваются сведения об обмене посольствами между Туркестанским генерал-губернаторством и Бухарским эмиратом, опубликованные в газете “Таржимон”. **Ключевые слова:** газета, прием, посольство, эмир, генерал-губернатор, письмо, дипломатический этикет, обеденный стол.

Россия империясининг Ўрта Осиёдаги худудий маъмури - Туркестон генерал-губернаторининг амирлик хукумати билан олиб борган анъанавий элчилик алмашинувига доир маълумотлар “Таржимон” эътиборидан четда колмаган. Бухабарлар газетанинг “Ахбори дохилия - Разные вести - Турли (ички-маҳаллий)” хабарлар рукнида, маълумотнинг худудий мансублик жиҳатидан келиб чишиб, “Тошкент”, “Туркестон”, “Бухоро”, “Мовароуннаҳр” каби сарлавҳа остида ҳамда алоҳида муаллифлик мақолаларида чоп этилган [1].

Ушбу хабарлар “Туркестанские ведомости”, “Новое время” газеталариiga таяниб чоп этилган. Амирлик ва генерал-губернаторлик ўртасидаги элчилик алоқалари, расмий ташрифлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган мақолалар таҳлили уларнинг аксарияти кисқа хабарлардан иборат эканини кўрсатди. Шундай бўлсада, уларда тадқиқ этилаётган масалага доир муҳим маълумотлар мавжуд. Бухоро амирларининг Кармана ҳамда Чоржўй бекликларида Н.О.Розенбаҳ, барон А.Б.Вревский, С.М.Духовский, Н.А.Иванов, Н.Н.Тевяшев каби Туркестон генерал-губенаторлари ҳамда ҳарбий вазир А.Н.Куропаткини кутиб олиш ҳақидаги хабарлар шулар жумласидандир.

Агар Кармана беклигига бевосита амирнинг короргохи жойлашган бўлса, Чоржўй Туркестон генерал-губернаторлигидан Россия империясига олиб борадиган қулай йўналишда жойлашган эди. Шу омиллар ушбу худудда генерал-губернатор ва амир учрашувларини ташкил этишга хизмат килган. Хабарларга таяниб шунайтиш мумкинки.

амирлик хукумати генерал-губернаторларни кутиб олишни шарқона меҳмондўстлик одоби ва дипломатик протоколга риоя этган ҳолда ташкил этган.

Газета саҳифаларидағи қўйидаги хабарлар бу фикримизни исботлайди.

“26 сентябр, кундузи соат бирларда Туркестон генерал-губернатори жаноб барон А.Б.Вревский Бухоро амирининг Карманадаги қароргоҳига етиб келди. Жаноби олийлари барон А.Б.Вревскийни темир йўл бакатига яқин жойда қимматли ипакдан тикилган чодирда кутиб турар эди. Соат тўртда генерал-губернатор яна бир бор амирнинг қароргоҳига ташриф буюрди. Амир унинг шарафига тушлик дастурхонини ҳозирлади. Тушлик давомида жаноби олийлари хукмдор император, киролича императрица, меросхўр шахзода, сўнгра барон А.Б.Вревский шарафига қадаҳ кўтарди. Юкори мартабали меҳмон эса амир соғлиги ҳамда Бухоронинг гуллаб-яшнаши учун қадаҳ кўтарди [2]”.

Ёки: “Туркестон генерал-губернатори генерал-лейтенант С.М.Духовский 12 август куни, Карманада Бухоро амири ҳузурига ташриф буюрди. Жаноби олийлари томонидан станцияда кутиб олинган генерал-губернатор ўз ҳамроҳлари билан 8 верст узоқликда жойлашган амир қароргоҳига йўл олди. У ерда тантанали нонушта ҳозирланган эди. Бухоро амири бир неча маротаба хукмдор императорнинг барча муруватти учун ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор этди”.

“[...] Учрашув ва кузатув даврида Бухоронинг пиёда ва отлик қўшинлари ҳамда кўплаб обрўли бухороликлар отларда туриб қарши олиши..” [3].

Бухоро амирининг Карманадаги саройи, унда генерал-губернатор ва унинг ҳамроҳларини кутиб олиши билан боғлиқ маълумотлар “Таржимон” мұхарриритомонидан “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган хабарлардан олинган. Шу ўринда амир қабулига ўз оиласи билан ташриф буюрган генерал-лейтенант Н.А.Иванов ҳакидаги хабарга эътибор қаратиш ўринидир. Унда Ўрта Осиё минтақасида биринчи марта бевосита Бухоро амири қароргоҳида аёл, яъни генерал-губернатор ва унинг рафиқаси иштирок этгани баён этилади. Хабарда кўйидагилар ўрин эгаллаган.

“Барча кумуш буюмлар ва гулдаста билан безатилган тушлик столи расмий характерга эга эмас эди. Зоти олийлари ўзини меҳмондўст ва самимий мезбон сифатида кўрсатди ва меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Жаноби олийлари рус тилида аъло даражада гапиради. Тушлик пайтида унинг ёнида ўтирган генерал Иванов ва рафиқаси билан жонли сұхбатни кўллаб куватлади. Лидия Иванова таъкиди: – у ўзининг Бухоро амири тушлигига меҳмон бўлган биринчи рус аёли эканини ҳеч қачон унутмаслигига жавобан, Жаноби олийлари мулоҳимлик билан қўйидаги тарзда жавоб берди: “Худди мен ҳам ҳеч қачон эски қадрдон дўстим Николай Александрович Иванов билан ўтган, ўзим қатнашган биринчи рус тушлигимни унутмаганим каби[4]”.

Гарчи генерал-губернаторлар билан учрашув амир учун одат тусига кирган тадбир сифатида каралсада, ушбу тадбирда генерал-губернатор рафиқасининг иштироки амирликда ташкил этиладиган расмий қабуллар амалиётида биринчи марта эди. Фикримизча, Санкт-Петербург ва Москва шаҳрида ҳукмдор император, киролича ҳамда Романовлар сулоласи вакилларининг амир Абдулаҳад ташрифи муносабати билан тузатилган тушлик дастурхонида буюк княз ва княгиняларнинг иштироки Бухоро ҳукмдорига ҳам шарқона меҳмондорчилик одобига баъзи ўзгаришлар киритишга хизмат қилган.

Карманадаги сарой, унинг жиҳозланиши ҳақида ҳам газета саҳифаларида айrim хабарлар мавжуд.

“У ўзининг кўп вақтини ўтказадиган ва одатда европалик меҳмонларни қабул қиласидиган Кармана саройининг деворлари ортида Европадан келтирилган кўплаб буюмлар жамланган. Электр токи билан ёритилади, ўзида энг сара мусиқий пъеса товушлари янграйдиган оркестри мавжуд.

Унда Бухоро ҳукмдорининг нафис ошхонасида тайёрланиб, европача услубда ҳозирланган тушлик столи кўринишидан аста-секин маърифат учун ўйл очиб бораётганини кузатиш мумкин”[5].

Ёки: “Карманадаги сарой, амирнинг Ёзги қароргоҳи бевосита шарқона услубда безатилгани билан хайратланарли таассурот қолдирди. Аммо сарой хона деворларида осилган ҳукмдор император, унинг оила аъзолари, Туркистон генерал-губернаторлари, бошқа юкори мансабдор шахсларнинг расмлари ҳамда нафис Европа мебеллари билан жиҳозланиши бу услубни ўзгача кўрсатади. Сарой бўйлаб барча хоналар ёркин электр токи билан ёритилади”[6].

Юкори мартабали меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган бу манзил тавсифи амирликда шарқ ва ғарб маданияти намуналари бир жойда жойлаштирилганини кўрсатади. Шунингдек, амир саройидаги хоналарни ғарб услубида жиҳозланиши эса маданият алмашинуви натижасидир.

Россия императори ва Туркистон генерал-губернатори номидан амирлик худудига анъанавий тарзда элчилар юборилган. “Таржимон” газетасида мазкур йўналишга доир қўйидаги сарлавҳалар остида мақолалар чоп этилган: “Посольство в Бухару”, “Российский посол в Бухаре”, “Разные вести – Мавераннахр”, “Бухара”, “Туркестан”, “Разные вести” [7]. Уларда амир Абдулаҳаднинг таҳтга ўтириши, Николай II империя таҳтига чиқиши муносабати билан амир томонидан юборилган табрик мактубига жавобан йўлланган элчилик ҳамда ҳар йилги Наврӯз (сайл) байрами билан табриклиш мақсадида жўнатилган элчиликка доир маълумотлар ўрин олган. Мақолалар орасида император Николай II амир Абдулаҳадга йўллаган жавоб мактубини етказиш мақсадида генерал Курилин бошчилигидаги элчилик миссияси Бухоро ҳукмдори томонидан Шаҳрисабзда қабул қилингани ҳақидаги хабарлар алоҳида аҳамият касб этади. Газетадаги хабарга кўра, амир элчиларни қўйидаги тартибда кутиб олган:

“Жаноби Олийлари элчиларни кутиб олиш учун Самарқандга бир гурух кузатувчи ва сарой фойтуналарини юборди. Бухорога бориш йўлининг бир неча манзилида амир вакиллари кутиб олишди ва зиёфат беришди. Китоб шаҳри яқинида Бухоро отлиқ қўшинлари генерални рус қўшиғи билан кутиб олишди. Бу жаноби

олийларининг бутун рус халкига билдирган алоҳида эҳтиром ва эътиборини билдиради.

“Туркестанские ведомости” хабарига кўра, Бухоро амирининг Шаҳрисабздаги қароргоҳида артиреллерия батареяси мартабали меҳмонларни тантанали қабул мросимида салют билан каршилаган. Амир император мактубини тик турган ҳолда қабул қилди ва уни эҳтиром кўрсатган ҳолда ўқиди. Уни ўқиб чикқач, мактубда билдирилган Олий марҳаматдан баҳтиёrlигини изҳор этди [8].

Мазкур маълумотлар амирлик маъмурияти элчиларни алоҳида эътибор кўрсатган ҳолда қабул килганини англатади. Шунингдек, хабар аввал “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилганини тушуниш мумкин.

Хуллас, “Таржимон” газетасида ҳам Россия империясидаги бошқа газеталарга хос хусусият, яъни Санкт-Петербург, Москвада содир бўлган воқеа-ходисалар ҳакида марказий нашрларда берилган хабарни ўз муштариylарига етказиш учун қайта чоп этган. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқалари, амирларнинг расмий ташрифи бундан мустасно эмас. Ўз ўрнида “Таржимон” таҳририяти газета сахифаларида чоп этган хабар олдин қайси нашрда берилганини таъкидлаш орқали, даврий нашрлардаги маълумотларни чоп этиш қоидаларига риоя этганини кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Туркестан... // Таржиман. 1886 год, 21 марта, № 21; Разные вести – Чарджуй // Таржиман. 1888 год, 16 июня, № 21; Бухара // Таржиман. 1888 год, 11 ноября, № 39; Бухара // Таржиман. 1890 год, 28 сентября,

№ 33; Разные вести// Таржиман. 1893 год, 4 марта, №8; Бухара // Таржиман. 1893 год, 18 апреля, №13; Бухара // Таржиман. 1894 год, 24 ноября, № 42; Разные вести – Мавераннахр// Таржиман. 1895 год, 13 марта, № 10; Ташкент // Таржиман. 1896 год, 21 января, № 3; Разные вести // Таржиман. 1896 год, 22 сентября, № 37; Бухара // Таржиман. 1898 год, 30 август, № 34; Ташкент // Таржиман. 1898 год, 11 ноября, № 43; Бухара // Таржиман. 1901 год, 22 октября, № 39; Бухара // Таржиман. 1902 год, 4 декабря, № 43; Бухара // Таржиман. 1903 год, 21 марта, № 11; Туркестан // Таржиман. 1903 год, 10 ноября, № 44; Разные вести // Таржиман. 1904 год 19 марта, № 23; Разные вести // Таржиман. 1904 год, 15 октября, № 83; Русский чиновник в Бухаре // Таржиман. 1885 год, 15 ноября, № 17; Посольство в Бухаре // Таржиман. 1885 год, 3 декабря, № 22; Российский посол в Бухаре // Таржиман. 1886 год, 14 февраля, № 11; Бухарский эмир // Таржиман. 1888 год, 8 июля, № 43; Бухарские послы // Таржиман. 1889 год, 24 марта, № 11; Барон Вревский и Эмир // Таржиман. 1893 год, 21 октября, № 35; Министр Бухары // Таржиман. 1899 год, 17 ноября, № 43; Эмир Бухары и главный начальник края // Таржиман. 1901 год, 23 сентября, № 35; Его Высочество // Таржиман. 1901 год, 7 октября, № 37.

2. Барон Вревский и эмир // Таржиман. 1893 год, 21 октября, №35.
3. Бухара // Таржиман. 1898 год, 30 августа, № 34.
4. Эмир Бухары и главный начальник края // Таржиман. 1901 год, 23 сентября, № 35.
5. Его Высочество // Таржиман. 1901 год, 7 октября, № 37.
6. Эмир Бухары и главный начальник края // Таржиман. 1901 год, 23 сентября, № 35.
7. Посольство в Бухару // Таржиман. 1885 год, 3 декабря, № 22; Российский посол в Бухаре // Таржиман. 1886 год, 14 февраля, № 11; Разные вести – Мавераннахр // Таржиман. 1895 год, 13 марта, № 10; Бухара // Таржиман. 1903 год, 21 марта, № 11; Туркестан // Таржиман. 1903 год, 10 ноября, № 44; Разные вести // Таржиман. 1904 год, 19 марта, № 23.
8. Разные вести – Мавераннахр// Таржиман. 1895 год, 13 марта, № 10.



---

## **IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Mazkur nashr oliy o‘quv yurtlari va ilmiy tadqiqot muassasalarining professor-o‘qituvchilari, doktorantlari, mustaqil tadqiqotchilari, magistrantlari, talabalari va keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan.

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazari bilan bir xil bo‘lmasligi mumkin.  
Jurnaldan ko‘chirma olinganda manba qayd etilishi shart.

# **IMOM BUXORIY SABOQLARI**



Bosishga 17.04.2023-yil ruxsat etildi. Bichimi 60×84 %.  
Rizograf usulda bosildi. Nashr bosma tabog‘i 10,0. Buyurtma № 01.  
Bahosi shartnoma asosida.

Jurnal andazasi “Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi”  
nashrlar bo‘limida tayyorlandi va chop qilindi.  
Nashriyotning litsenziya raqami AI № 0010. 06.05.2019-yil.



**“Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q  
va hech qachon bo‘limgay”**

Imom Buxoriy